Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 150 (21.017) 1991 йил 6 август, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

*«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ **ва** рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар*



● **Наманган районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Абдулвоҳид Мамадалиев етакчилик қилаётган бригадаси 65 гектар майдонга чигит экиб, уни меҳр билан парвариш қилмоқда. Бу ишда механизатор Рустамжон Давидовнинг ҳиссаси катта.**

СУРАТДА: Р. Давидовни кўриб турибсиз.

П. АКБАРОВ олган сурат.

● Иқтисодиёт янгиликлари

ЖАМОА ПУДРАТИ УСУЛИДА

Ленинград райони маркази Учкўприкдаги трикотаж фабрикаси қурилиши ноҳиясига етказилди. Корхона 96-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари томонидан тезкорлик билан барпо этилди. Фабрика тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 10 миллион донадан зиёд болалар ва катталар трикотаж моллари ишлаб чиқарилади.

Колоннанинг тажрибали бригадири, Ўзбекистон халқ депутати, Давлат мукофоти лауреати Холдорали Хатамов етакчилигидаги қурувчилар жамоа пудрати усулининг имкониятларидан усталик билан фойдаланишяпти. Айни пайтда бригада мактаб, уй-жой бинолари қурилишларини жадал олиб бормоқда.

А. ЖАББОРОВ,
Фарғона вилояти.

БИР ИХТИРО ХОСИЯТИ

«Средаз НИИгипрогаз» илмгоҳининг катта илмий ходимлари М. Матёқубов ва Л. Абрамович етакчилигидаги ихтирочилар гуруҳи эътиборини бурғулаш қоришмасидаги сувда нефть ёғлари парма учига тегиб, у ускуналар тез ейилишига сабаб бўлаётгани ўзига тортди. Бу нуқсонни тугатиш учун улар ўз лабараторияларн ва Уфа нефть илмгоҳида шунингдек, қатор конлардаги қудуқларни пармалиш пайтида тажриба синовлари ўтказдилар.

Сувга чидамли турли материалларни синаб кўргач, ёғ-мой конлардаги қудуқларни пармалаш пайтида тажриба синовтопишди. Шу асосда янги суртма мойнинг рецепти ишлаб чиқилди.

Тайёрлаш ҳаражатлари кўп бўлмаган бу янги суртма ёрдамида 1988—1990 йилларда 15 та қудуқ пармаланди ва 675 минг сўм тежаб қолинди. Масалан, Шўртан конида бир марталик пармалаш чуқурлиги олдинги 40 метр ўрнига 61 метрга борди. Пармалаш тезлиги соатига 3, 07 метрдан 3,47 метрга, ускуналар хизмат муддати 15-16 соатдан 20-23 соатга етди.

Л. БЛИНДЕР.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳар йўловчи транспортини ривожлантиришга шахсан катта ҳисса қўшганлиги ва меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Умаров Шавкат Акрамович — 1-троллейбус депоси троллейбусларни ремонт қилиш слесари

ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН

Исломова Нортожи Абдужалиловна — «Қизил Шарқ» депосининг катта диспетчери

II ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Қорабоев Абдусаттор Валиевич — йўл хизмати монтёри

III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Гавриленко Геннадий Петрович — вагон-ремонт заводи газ-электр пайвандчиси

Марупжонов Наби — 1 трамвай депоси трамвай ҳайдовчиси

Толипов Ўғил Одилович — 2-троллейбус депоси троллейбус ҳайдовчиси

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Мусаев Шамо Шукурович — 2-трамвай депоси трамвай ҳайдовчиси

Саидов Ражаб — 1-трамвай депоси трамвай ҳайдовчиси

Шокиров Қобил Ғофурович — трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил, 2 август.

ДАМ ОЛИШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев дам олиш учун 4 август куни Қримга жўнаб кетди.

(ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

АҲОЛИГА МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ВА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси билан суверен республикалар ҳукуматларининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакат иқтисодиётини танглиқдан чиқариб олиш соҳасида биргаликдаги ҳаракат дастурига мувофиқ аҳолига истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат қилишни кўпайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Республикаларнинг ҳукуматлари, СССР вазирликлари ва идоралари озиқ-овқат, дори-дармон, енгил саноат маҳсулотлари, маданий-маиший ва рўзғор моллари, шу жумладан бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган ҳамда аҳолига хизмат қиладиган корхоналарнинг бир маромда ишлашини йўлга қўйиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўрсинлар. Мазкур корхоналарга материал ресурслари биринчи галда ажратиб берилишини, хўжалик фаоллигини рағбатлантириш кучайтирилишини ва кўплаб талаб қилинадиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун масъулият оширилишини таъминласинлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, корхона ва ташкилотлар 1991—1992 йилларда хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш вақтида ишлаб чиқариш-техника

(Давоми иккинчи бетда).

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА КОММУНИСТЛАР ҒАМХЎР ВА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСИН

3 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш масалалари Марказий Комитет комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг Қорақалпоғистонда, республика вилоятларида ва Тошкент шаҳрида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишни ташкил этишнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бу масалада жиддий хатолар ва камчиликлар борлиги таъкидланди. Бу айниқса, Фарғона вилоятининг шаҳар ва районларига хосдир. Вилоят ижроия комитети, шаҳар, район ижроия комитетлари ва савдо ташкилотлари раҳбарларининг сусткашлиги, баъзида масъулиятсизлиги ҳамда вилоятдаги партия идоралари назорат этилмаётганлиги сабабли ҳанузгача энг зарур маҳсулотларни белгиланган миқдорда сотиш тизими жорий этилмаган. Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув раҳбарларига ва вакилларига қисқа муддат ичида белгиланган миқдордаги маҳсулотларни сотишнин ягона тизимини жумҳуриятнинг бутун худудида жорий этиш тавсия қилинди.

Комиссия мажлисида «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг, «Узкоопзаготторг» бирлашмаси ва «Узплодоовошчвинпром» концернининг ҳосилни йиғиштириб олиш суръатларини кучайтириш, маҳсулот тайёрлаш ишларини яхшилаш ҳамда республика аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасидаги ишлари тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур ташкилотлар раҳбарларининг бу масала юзасидан берган ахборотлари маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги билан «Узпишчепром» концерни раҳбарларининг комиссиянинг аввалги мажлисларида айтиб ўтилган жиддий камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўзлари кўрган чора-тадбирлар ҳамда шу идораларга қарашли корхоналарда маҳсулот номенклатураси ва хилини қайта кўриб чиқиш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари назорат тариқасида тингланди.

ҚЎШМА ПЛЕНУМ

Фарғона вилоят партия комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленумида КПСС Марказий Комитети 1991 йил апрель ва июль Пленумлари қарорлари асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида вилоят партия ташкилотлари ва комитетларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Ғ. Фозилов маъруза қилди.

Пленумда 1990 йилги партия бюджетининг ижроси тўғрисидаги ва Фарғона вилоят партия ташкилотининг 1991 йилги бюджети ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул этилди.

(ЎзТАГ).

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАШГА ТАЙЁР

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар! Менинг сизлар ҳузурингиздаги бугунги нутқим мамлакат турмушидаги муҳим воқеага бағишланган.

Кейинги вақтларда янги Иттифоқ Шартномасининг лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилганлиги сизларга маълум. Бугун мен республикаларнинг Олий Кенгашлари томонидан вакил қилинган делегацияларнинг раҳбарларига хат юбориб, Шартномани шу йил 20 августда имзолай бошлашни таклиф қилдим.

Ўз нуқтаи назарини ҳали белгилаб олиши лозим бўлган республикаларга ҳам хат юборилди. Шартномани биринчи бўлиб Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Ўзбекистон делегациялари имзолашлари кўзда тутилмоқда. Сўнгра, муайян вақт ўтганидан кейин — шартномани ишлаб чиқиш ва келишиб олишда фаол қатнашган бошқа республикаларнинг вакилларига навбат келади. Бундай тартиб Украина Олий Кенгашига лойиҳани кўриб чиқишни ниҳоясига етказиш имконини беради. Шу вақт ичида Арманистонда референдум бўлиб ўтади. Молдова Иттифоқ Шартномасига муносабат тўғрисида қарор қабул қилади. Грузия, Латвия, Литва, Эстония халқлари ҳам бу ҳаётий масалада бир тўхтамга кела оладилар.

Шундай қилиб, биз кўп миллатли давлатимизни тенг ҳуқуқли совет суверен республикаларининг демократик федерациясига айлантиришнинг ҳал қилувчи босқичига кираяпмиз. Хўш, янги Иттифоқ шартномасининг тузилиши мамлакат турмуши учун қандай аҳамиятга эга бўлади? Аввало бу — халқнинг 17 мартдаги референдумда изҳор этган хоҳиш-иродаси рўёбга чиқишидир. Шартнома Иттифоқни давомийлик ва янгилаш асосида ўзгартиришни назарда тутади. Иттифоқ давлатчилиги сақланиб қолади, унда мамлакатимиздаги одамларнинг кўп авлодлари, барча халқлари меҳнати мужассамлашган. Шу билан бирга суверен давлатларнинг янги, ҳақиқатан ихтиёрий бирлашмаси вужудга келтирилмоқда, ундаги барча халқлар ўз ишларини мустақил бошқарадилар, ўз маданияти, тили, анъаналарини эркин ривожлантирадилар.

Давлатчилигимиз ислоҳотининг маъноси ҳам айни мана шундан иборат. Бир томондан республикаларнинг мустақиллиги пишиқ пухта кафолатланади, иккинчи томондан эса улар ихтиёрий равишда Иттифоқ идораларига, Иттифоқ қарамоғига топшираётган умумий вазифаларнинг ҳал этилиши ҳам мана шундай пишиқ пухта таъминланади.

Мана шу масалалар устида, бутун диққат-эътиборни бериб, зўр масъулият билан меҳнат қилишга тўғри келди. Республикаларнинг Олий Кенгашлари ва СССР Олий Кенгаши, ҳукуматлар, жамоат ташкилотлари, илмий ташкилотлар кўп иш қилдилар, фуқароларнинг кўпдан-кўп таклифлари эътиборсиз қолмади. Янги Иттифоқ Шартномасида янгиланган федерациямизда одамларнинг яшаши ва ишлаши учун нормал шароитни таъминлай оладиган оқилона манфаатлар мувозанати топилди.

Кейинги вақтларда сиз билан биз «Қонунлар уруши», турли даражалардаги маъмурларнинг хатти-ҳаракати номувофиқлиги нималигини ўз тажрибамизда, таъбир жоиз бўлса аччиқ тажрибамизда синаб кўрдик. Мана шуларнинг ҳаммаси жамиятнинг турмушига, ўзгартишларнинг суръатларига, бутун қайта қуриш сиёсатига ҳаддан ташқари салбий таъсир қилди. Шартнома тузилгач, мана шундай нонормал ҳолатга олиб келган асосий сабаблар бартараф этилишига аминман. Ҳар ким ўз фаолияти соҳасини аниқ билиши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши ва халқ олдида жавоб бериши керак. Бу эса қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш имконини беради.

Республикалар умумий манфаатларни кўзлаб, Иттифоқ идоралари зиммасига давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни юкламоқдалар. Шу мақсадда ягона Қуролли Кучлар ва хавфсизлик органлари тизимининг яхлитлиги сақланиб қолади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш имконини берадиган тарзда мувофиқлаштирилиши таъминланади.

Кўпгина муҳим масалалар Иттифоқ билан республикаларнинг қарамоғида бўлиб, улар бу масалаларни биргаликда ҳал этади. Шартномада баён этилган қоидалар асосида келишиб олиш воситалари амал қилади.

Шартноманинг кучга кириши иқтисодий тараққиётимиз шароитида ҳам катта ўзгаришлар бўлишини билдиради. Ваколатлар Иттифоқ билан республикалар ўртасида тақсимлаб қўйилиши шартномада мустаҳкамлаб берилиши ягона валюта, молия-кредит тизими, божхона қоидалари, келишиб олинган ижтимоий ҳимоя принциплари билан бирга жўшқин умумиттифоқ бозорини сақлаб қолиш ва ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутади. Корхоналарга иқтисодий ислоҳот берадиган афзалликлардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очилади.

Мана шундай бозор бўлмаса, бозорнинг асосий субъектлари — корхоналар, меҳнат жамоаларининг имкониятлари чеклаб қўйилса, хўжалик мустақиллигини қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини тасаввур этиш қийин. Эски хўжалик алоқаларининг узилиши меҳнат жамоаларининг ишларига салбий таъсир қилаётганлиги сабабли шундай алоқаларни сақлаб қолиш муҳимдир. Бироқ, шу билан бирга, ҳозирги вазият тақозо этаётган янги алоқаларни йўлга қўйиш ҳам лозим. Умумий иқтисодий макон доирасида республикалар билан минтақалар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш учун катта майдон бўлади. Биз энди хўжалик алоқаларининг узилиши нималигини, республикалар билан айрим минтақалар ўртасидаги чегараларга қўйилган тўсиқлар нималигини биламиз. Аммо бу иллат ҳали бартараф этилгани йўқ, у ҳали ҳам бор. Шу боисдан ҳам бизга умумий жўшқин бозор керак, барча халқларга, республикаларга, корхоналарга ҳам шундай бозор керак.

Янги Иттифоқ шартномасининг тузилиши халқаро фаолиятимизга ҳам муҳим янгиликлар киритади. Янгиланган Федерация Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳуқуқий вориси эканини шартнома тасдиқлаб турибди. Совет Иттифоқи бундан буён ҳам буюк жаҳон давлати бўлиб қолаверади. Унинг халқаро майдонда қўлга киритган мавқеи тўла-тўкис сақланади, бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятлари ҳам сақланиб қолаверади. Бу нарса биз учунгина эмас, бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам принципиал аҳамиятга эгадир, жаҳон ҳамжамияти янги халқаро муносабатларни вужудга келтиришга, шу муносабатларни соғлом ривожлантириш ўзанига ўтказишга бизнинг мамлакатимиз қўшаётган ҳиссани юксак баҳоламоқда. Умумий ташқи сиёсат доирасида барча республикаларнинг имкониятлари ва аҳамияти янгича намоён бўлади. Шартнома уларнинг ажнабий давлатлар билан дипломатия, консуллик, маданий ва бошқа тарздаги алоқаларини, савдо муносабатларини йўлга қўйиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Шундай қилиб, жаҳон тажрибасини ўзлаштириш учун, мамлакатни жаҳон иқтисодиётига қўшиш учун янги имкониятлар очилади.

Хуллас, шартнома жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида яхшилик сари чуқур ўзгартишлар қилиш учун шарт-шароит яратади ва унинг ижобий таъсири яқин вақтлардаёқ намоён бўла бошлашини умид қилса бўлади.

Аҳволни жўн қилиб кўрсатмаслик керак, албатта. Шартнома ҳокимият ва бошқарув идораларини кўп жиҳатдан қайта тузишни кўзда тутади. Янги Конституцияни ишлаб чиқиб, қабул этиш, сайлов қонунини янгилаш, сайлов ўтказиш, судлов тизимини қайтадан қуриш талаб қилинади. Мана шу жараён авж ола бошлаган пайтда халқ депутатлари съезди, СССР Олий Кенгаши, ҳукумат, бошқа Иттифоқ идоралари фаол ишлайверади.

Шундай қилиб, биз Иттифоқимизни янгилаш босқичига қадам қўймоқдамиз, бу босқич катта афзалликлар бериши мумкин. Аммо у биздан алоҳида масъулият ва уюшқоқликни ҳам талаб қилади. Ҳеч бир иш ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмайди. Эҳтимолки, давлатимиз тарихида энг чуқур ўзгаришлар рўй бераётгандир. Мана шу ишда жамиятдаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро тотувликка кўп нарса боғлиқ бўлади. Одат бўлиб қолган бир тартибдан бошқасига, янгисига ўтиш ҳамиша қийин бўлади. Иттифоқ билан республикалар ўртасида, сиёсий ва жамоат ҳаракатлари ўртасида, Ватанимизни азиз билувчи ҳамма кишилар ўртасида иноқлик зарур. Эндиликда, биз шартномага эга бўлган ва уни яқин вақт ичида республикалар имзолайдиган бир пайтда муҳолифликни, ҳеч бир асоссиз сиёсий тоқатсизликни давлатимиз турмушидан мустасно қилмоқ керак. Ҳозирча шундай ҳоллар бор, улар жамиятни беқарорлаштирмоқда, унинг ҳозирги қийин, танг шароитда жипс бўлиб ишлашига имкон бермаяпти.

Биз бутун мамлакатга керакли ислоҳотлар йўлига ўтдик. Янги Иттифоқ шартномаси эса тангликни тезроқ бартараф этишга, турмушни янги изга солиб юборишга ёрдам беради. Бу эса ҳозирги энг муҳим иш десам, фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман.

КРЕМЛДА МАЖЛИС

3 август куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда мустақил (Литвадан ташқари) республикалар хукуматларининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисда мамлакат бутун аҳолисининг ва халқ хўжалигининг манфаатларига дахлдор катта, ҳаётий муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Озиқ-овқат таъминоти масаласига алоҳида эътибор берилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жиддий қийинчиликлар мавжудлигига қарамай, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун шарт-шароит борлиги таъкидланди. Уларни рўёбга чиқариш учун СССР Президентининг деҳқончилик саноат комплекси мажмуи ишидаги иқтисодий омилларни кучайтиришга ва уни моддий-техникавий ресурслар билан таъминлашни яхшилашга, қишлоқ хўжалигида маҳсулдорликни оширишга қаратилган махсус фармонини тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Юзага келган вазиятда барча даражаларда — марказда, республикаларда ва жойларда ҳосилни йиғиштириб олиш учун қўшимча куч ва ресурсларни жалб этиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда ёқилғи-энергетика мажмуидаги, мамлакат халқ хўжалигини қишки шароитда ишлашга тайёрлашдаги, аҳолини айниқса қишлоқ аҳолисини ёқилғи билан таъминлашдаги ишларнинг аҳволига доир масала ҳам муҳокама қилинди.

Ёқилғи — энергетика мажмуи бир қанча тармоқлари раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Уларнинг кўпчилиги зарур самара олинишига кафолат бермай, янги-янги ресурслар ажратилишини талаб қилиб, эскичасига ишлашни давом эттирмоқдалар. Нотиқлар иқтисодий муносабатларни қайта қуриш, мазкур мажмуага бозорга ўтиш вазифаларига мувофиқ бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш муҳимлиги ҳақида гапирдилар. Иттифоқ ҳукумати республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда мазкур муаммоларни ҳал этишга доир тадбирлар дастурини шу йилнинг сентябригача тайёрлаши тўғрисида келишиб олинди. Шу билан бирга мамлакат ёқилғи энергетика мажмуини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мажлисда молиявий ишлар ва пул муомаласининг аҳволи, ССР Иттифоқи билан жумҳуриятларнинг бу аҳволни барқарорлаштиришга доир биргаликдаги ҳаракат дастурини амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Вазият Иттифоқ билан республикаларнинг биргаликда ғайрат қилиб ишлашларини тақозо этаётгани таъкидланди.

СССР Бош Вазири В. С. Павловга республикалар ҳукуматларининг раислари билан биргаликда ўн кун муддат ичида молиявий ишлар ва пул муомаласи соҳасидаги аҳволни барқарорлаштиришга доир долзарб тадбирлар мажмуини Федерация кенгашининг яқин орада бўладиган мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалаларнинг натижалари юзасидан ССР Иттифоқи билан мустақил республикалар ўртасида 1992 йил учун иқтисодий битимни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги куч ғайратларни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги тўғрисида умумий фикр билдирилди.

(ТАСС).

•МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ:

СОВЕТЛАРДАГИ КОММУНИСТЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

● Илгари хабар қилинганидек, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бўлган КПСС аъзолари Ўзбекистон Компартияси Уставининг халқ депутатлари Советларидаги коммунистлар фаолияти тўғрисидаги талабларини қандай таъминлаётганликлари ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Марказий назорат комиссияси раёсатининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси М. МИРҚОСИМОВ маъруза қилди.

МАЪРУЗАДА депутатлар корпуси ва унинг фаолиятини шакллантиришнинг асосий жиҳатлари ўз аксини топди. Сайловолди кампанияси давридаёқ асосий эътибор барча кучларни Ўзбекистон Компартияси платформаси теварагида жипслаштиришга қаратилди. Коммунист номзодларнинг сайловолди режаси асосини шулар ташкил этиб, маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олиниб тўлатилди. Натижалар эса маълум: аҳоли Коммунистик партиянинг йўлини қўллаб-қувватлади. Депутатларнинг 95 фоизини аҳолининг кенг ижтимоий қатламларига мансуб коммунистлар ташкил этди. Партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар депутатлар орқали ўз йўлларини ўтказиш, белгиланган дастурларини бажаришга эришиш имкониятига эга бўлдилар. Шу билан бирга матбуот органларида, телевидение ва радиода айрим сиёсий арбобларнинг нутқларида КПССни ёппасига бадном этиш авжга чиққан бир пайтда баъзи коммунистлар депутатлик мандатига эга бўлгач, ўзларини партия олдидаги мажбуриятлардан холи, деб ҳисоблай бошладилар, муросасозлик йўлига ўтдилар. Айримлар эса партия интизомигина эмас, балки қонунларни ҳам қўпол равишда бузиш йўлига ўтдилар.

Вазиятга қараб турли мақомга йўрғалаган бундай кишиларга нисбатан: уларга партияда ўрин йўқ, деб айтилди. Кўпчилик бундай депутатларни носамимийлиги, халқни ва коммунистларни алдаганликлари учун олий қонунчилик органидан чақириб олиш керак, деб ҳисобламоқдалар. Мазкур шароитларда партия комитетлари ва матбуот органларининг ёндашуви аниқ-равшан ва қатъий бўлиши лозим. Уларнинг ҳақиқий башараларини очиб ташлаш, қонун йўли билан чақириб олинишига эришиш керак. Сайловолди кунларида имтиёзларни танқид қилиб обрў орттирган, ноибликка сайланиб олган, эндиликда эса депутатлик мандатини суиистеъмол қилиб, ўзларига алоҳида шарт-шароитларни талаб қилаётганларга нисбатан ҳам принципиал йўлни тутиш даркор.

Маърузачи коммунист депутатларнинг округлардаги фаолиятига тўхталди. Тошкент ва бир қатор бошқа шаҳарлардаги депутатлар партия гуруҳларининг кучларни жипслаштиришдаги, ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш, шартномавий мажбуриятларни бажариш мақсадларида омма билан, турли миллат ва элатларга мансуб одамлар билан алоқани мустаҳкамлаш соҳасидаги фаоллиги қайд этиб ўтилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, депутатларнинг муваффақиятли иш олиб боришлари кўп жиҳатдан маҳаллий маъмурларнинг тутган йўлига, уларнинг кўмаги ва ёрдамига боғлиқдир. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ховос район партия комитети, район ижроия комитети ва Ширин шаҳар ижроия комитети Сирдарё ГРЭСининг катта мастери А. Холназаров сўровларига эътибор билан муносабатда бўлдилар. Натижада сайловчиларнинг янги автобус маршрутини очиш, Мичурин номли давлат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳақидаги наказлари бажарилди.

367-Ғаллаорол округидан паррандабоқар С. Бобомуродованинг мурожаатини маҳаллий маъмурлар эътиборсиз қолдирдилар. Унинг депутатлик фаолиятидаги муаммолар эса анчагина. Депутат ўз иш жойига эга эмас. Округ ҳудуди катта бўлиб, узоқ қишлоқларга автобуслар юрмайди. Депутатга эса транспорт ажратилмаган. Оқибатда у севган касбини ўзгартиришга мажбур бўлди. Шунда ҳам паррандачилик фабрикаси директори Н. Раҳмонов ва партия ташкилоти котиби М. Тожиев барибир унинг талаб-эҳтиёжларига бепарво қарамоқдалар. Ўз депутатини қўллаб-қувватламаётган район партия комитетининг ҳам тутган йўлини тушуниш қийин. У маъмуриятга ҳамда ижроия комитетининг коммунист раҳбарларига таъсир ўтказа олмади.

Шу сабабли кўпгина партия аъзолари бўлган депутатлар, масалан, Фориш район босмахонасининг линотиписти Х. Суннатова, Косонсой районидаги бригада бошлиғи Х. Нишонов, шунингдек, С. Бобомуродова ҳам ҳақли равишда ранжимоқдалар. Ахир кечагина район партия комитетлари оддий ишлаб чиқариш вакилларини Олий Кенгашга тавсия этилганликлари билан табриклаган эмасмидилар. Наҳотки, энди уларни унутиб қўйсалар.

Кўпгина халқ вакиллари жамоат ишларини бажариш учун зарур шарт-шароитларга эга эмаслар. Айни пайтда ташкилий ишларни бажариш учун қўйилган Кенгашлар раисларининг ўринбосарлари депутатларга аниқ-равшан ёрдам беришлари, истиқомат жойларида ишларни ташкил этишга кўмаклашишлари, депутатлар ўқувини уюштиришлари, турли тармоқлар мутахассисларидан маслаҳатчиларни бириктириб қўйишлари лозим. Афсуски, кўпгина жойларда шундай қилинмаяпти.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДАги депутатларнинг учдан икки қисмигина маҳаллий Кенгашларнинг сессиялари ишида мунтазам қатнашмоқда. Айни пайтда эса ҳар ўн кишидан бири умуман таклиф этилмайди. Бугунги кунда халқ ноиблари воқеалар ичида мунтазам бўлишлари, вилоят, шаҳар ёхуд районнинг муаммоларини, уларни ҳал этишга ёндашувларни билишлари керак. Кейинчалик эса улар ўз ваколатлари доирасида юқори идоралар орқали ўша муаммоларни ҳал этиб бера олсинлар. Ҳозир ғалати аҳвол юз бермоқда: ўз ҳудудидан Олий Кенгашда вакилликка эга бўлиш учун бир пайтлар жуда кўп куч-ғайрат сарфланди-ку, айни пайтда уларни муаммолар қаршисида якка-ёлғиз қолдирилганига нима дейсиз. Бу нарса партия ва Советларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги Устав талабларига зиддир. Аммо, бунинг учун ҳозирча ҳеч ким жавобгарликка тортилгани йўқ.

Қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Косонсой районидан бригада бошлиғи, халқ депутати Х. Нишонов армияда хизмат қилаётган юртдошлари билан учрашиш, уларнинг яшаш шароитлари билан танишиш мақсадида Вологда вилоятига борди. Қайтиб келгач, район Кенгаши депутатлари билан таассуротларини ўртоқлашмоқчи бўлди. Бироқ сессияда унга сўз бермадилар. У сессиядан кейин сайловчиларни йиғишни сўради, уларни ўз фаолиятидан хабардор қилмоқчи бўлди. Лекин илтимоси яна ерда қолди. Сирасини айтганда, бундай эътиборсизлик бизнинг илк демократик ғалабаларимизни йўқ қилиши, халқ ҳокимияти органлари фаолиятидаги ташаббускорлик нишоналарини сўндириши мумкин.

Депутатлар орасида ҳам сайловчилар олдидаги, биринчи навбатда, уларнинг номзодини кўрсатган партия ташкилотлари коммунистлари олдидаги бурчларига бўлган муносабат турлича. Коммунист депутатлар фаолиятини партиявий назорат қилишнинг самарали шаклларидан бири уларнинг партия йиғилишларида мунтазам суратда ҳисоб бериб туришларидир. Бу борада муайян тажриба бор. Масалан, депутатлардан: Самарқанд шаҳар ижроия комитети раиси М. Ғаниев, «Самаркандоблагрострой»нинг 1-тресты бошқарувчиси Р. Насимов, Гулистон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Б. Ҳусанбоев ҳисоботлари юзасидан қизиқарли ва фойдали суҳбатлар бўлиб ўтди. Афсуски, ҳозирча бу тажриба кенг оммалашгани йўқ.

Жумҳурият халқ депутатларининг муҳим вазифаларидан бири, дейилади маърузада; уларнинг Олий Кенгаш комитетлари ва комиссиялари орқали қонунчилик фаолиятида иштирок этишларидир. Фаолиятнинг айнан ана шу жиҳатлари юзасидан кўплаб танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Сўраб чиқилган депутатларнинг қарийб ярми Олий Кенгаш комитетлари ишини яхшилаш зарурлигини айтдилар. Халқ вакилларининг ҳаммаси ҳам фаол ишга жалб этилмаган. Уларнинг кўпи қайси комитет ёки комиссияга кирганликларини ҳатто билмайдилар ҳам. Бу ерда ҳам партия комитетлари ва ҳудудлараро партия гуруҳларининг фаол аралашуви ва ташвишланаётганлиги сезилмаяпти.

Партия комитетларининг айрим раҳбарлари сессияларда ўзларини пассив тутмоқдалар. Улар депутат сифатида ҳам Ўзбекистон Компартияси нуқтаи назарини қатъий туриб ҳимоя қилишда ва Ҳаракат дастурини рўёбга чиқаришда намуна бўлишлари даркор эди. Улар мана шу мавзуларда рўзномаларда, телевидение ва радио орқали жуда камдан-кам чиқмоқдалар. Улар тез-тез бирга йиғилишиб, сессияга киритиладиган масалалар юзасидан дастлабки тарзда фикр алмашишлари, ҳаракатларини уйғунлаштириб олиб бориш юзасидан келишиб олишлари зарур эди.

Маърузада Советлар ичидаги, жумладан, депутатларнинг ҳудудлараро партия гуруҳлари фаолиятидаги коммунистлар ишининг янги шакли таҳлил этилди. Уставга биноан ушбу партия гуруҳлари партия съездлари, Марказий Комитет Пленумлари қарорлари асосида иш олиб боришлари, коллектив бўлиб ўзларининг ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишлари даркор. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, умуман, олганда, ана шу тузилмалар фаолиятининг самарадорлиги ҳозирча етарли эмас. Масалан, Бухоро, Наманган вилоятларида депутатларнинг партия гуруҳлари шу пайтгача ташкилий ишлар билан ўралашиб юриб, округлардаги ишларни ташкил этишга суст таъсир ўтказмоқдалар. Айрим партия гуруҳларида ташвишли тамойил вужудга келганки, уларда маҳаллийчилик кайфиятлари, асосан, ўзларининг минтақавий масалаларини ҳал этишга интилиш бор.

Устав талаб қилганидек, коммунист депутатлар ўз ваколатларидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишлари учун партия комитетлари гуруҳлар ишини тубдан қайта қуришлари, уларга аниқ-равшан дастурларни ишлаб чиқишда ёрдам беришлари, коммунистларни қўллаб-қувватлашлари, аксинча, сусткашлик кўрсатаётганлардан қаттиқ талаб қилишлари керак. КПСС аъзолари бўлган депутатларнинг умумий йиғилишларини мунтазам ўтказиб туриш, тўпланиб қолган барча масалаларни муҳокама этиш, фикр алмашиш, маслаҳат олиш керак. Ҳудудлараро партия гуруҳлари билан бир қаторда иш йўналишлари бўйича, касб-ҳунар белгилари бўйича ёки партия комитетлари комиссияларига ўхшаб партия гуруҳларини ташкил этиш таклиф қилинди. Уларни вилоят партия комитетлари, Марказий Комитет қўллаб-қувватлаши лозим. Негаки, депутатлар гуруҳлари ҳам, партия комитетларининг комиссиялари ҳам ягона мақсад — Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини рўёбга чиқаришни кўзлайди.

Жумҳурият партия штаби билан республика парламентида Ўзбекистон Компартияси номидан ишлайдиган халқ вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликдан қониқиш ҳосил қилинмаганлиги айтилди. Олий Кенгаш орқали партия йўлини ўтказиш механизмининг ўзини ишлаб чиқиш зарур, деб таъкидланди маърузада. Шуниси сир эмаски, жумҳурият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар Марказий Комитет ташаббуси билан ҳал этилмоқда. Буни одамлар билиб қўйиши керак. Олий Кенгаш даражасида жамият ҳаётининг муҳим масалалари бўйича қонун тайёрлаш ташаббусини бошлаш билан боғлиқ ишларни авж олдириш, одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш таклиф этилди.

Ҳаракат дастурига мувофиқ, Компартия ёшлар, фан, халқ таълими, маданият ва аҳлоқий тарбия бўйича, оммавий ахборот воситаларида маънавий асосларни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш ташаббуси билан чиқиши зарур. Бироқ бу жараён сусткашлик билан бормоқда ва депутатларнинг бир қисми бундан қониқиш ҳосил қилмаяптилар. Уларнинг кўпчилиги, масалан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги қонунни аллақачон тайёрлаш керак эди, деган фикрдалар. Бироқ бундай фикр-мулоҳазаларга ҳеч қандай муносабат билдирилмаяпти. Ушбу масалаларда Марказий Комитет салмоқли роль ўйнаши лозим.

Жумҳуриятда ижтимоий тадқиқотлар марказини ташкил этиш, Олий Кенгашда ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ахборот тузилмаларини вужудга келтиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ўйлаб кўрса арзийди. Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети таркибига кирадиган депутатлар билан ишлаш бўйича алоҳида дастур керак. Умуман, депутатларнинг барча тоифаларини ўқитиш ниҳоятда зарур бўлиб қолди.

ИТТИФОҚ шартномаси имзолангач, янги Конституция қабул қилинади. Давлат тузилмалари қайтадан шакллантирилади. Олдинда навбатдаги сайлов маъракаси турибди. Бу ўринда ҳам партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар амалда ўзларининг пешқадам эканликларини намойиш этишлари керак. Бунда оммавий-ахборот воситаларининг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта. Улар пишиқ-пухта ўйланган нуқтаи назарда туришлари, бутун масъулиятни ҳис этиб, асосли баҳс-мунозара олиб боришлари даркор.

Маърузадаги қоида ва хулосалар пленум қатнашчилари томонидан фаоллик билан муҳокама қилинди.

Компартиянинг стратегик сиёсатидан келиб чиқиб, деди Самарқанд вилоят партия комитетининг иккинчи котиби **В. Плотников.** — Шундай тизимни ишлаб чиқиш кераккки, натижада уни изчиллик билан, қадамба-қадам ҳаётга тадбиқ этиш, қонун ҳужжатларида акс эттириш мумкин бўлсин. Бунинг учун эса Ҳаракат дастурини рўёбга чиқаришнинг механизмини белгилаб олиш лозим. Ана шунда истиқбол учун ишлаш, коммунист депутатларнинг куч-ғайратини шунга сафарбар қилиш мумкин. Нотиқ вилоят партия ташкилотининг коммунист депутатлари билан ишлаш амалиётини таҳлил этар экан, Олий Кенгашдаги партия гуруҳлари фаолиятини яхшилаш юзасидан аниқ-равшан таклифларни киритди. Бунда, — деди у, — партиявий интизомга риоя этиш, ҳамма учун мажбурийдир. Унинг фикрича, энг асосийси, жумҳурият партия ташкилотларига ўзларининг асосий ролини ва халқ депутатлари кенгашларида олиб бораётган ишлари учун масъулиятни янгича тушуниб олишларига ёрдам беришдир. Партиянинг назорат органлари ҳам бу ўринда ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланишлари шарт.

Олий Кенгашнинг ҳамма коммунист депутатлари ҳам ўз зиммаларига юкланган масъулият нималардан иборат эканлигини аниқ-равшан ҳис этавермаяптилар. Бунда, деди пленумда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазири **М. Тошпўлатов,** партия Марказий Комитети ходимлари биринчи навбатда ёрдам беришлари керак. Улар Олий Кенгашнинг барча комитетлари билан узвий алоқани йўлга қўйишлари мақсадга мувофиқдир. Партия аъзолари бўлган депутатларни тез-тез Марказий Комитетга йиғиб, қонун лойиҳалари юзасидан дастлабки тартибда фикр алмашиш, шу масала юзасидан умумий нуқтаи назарни, шунингдек, уларни рўёбга чиқариш механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади. Эҳтимол, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Олий Кенгаш комитетлари билан қўшма мажлисларини ўтказиш тўғрисида ўйлаб кўриш керакдир. Парламент комитетлари ўртасидаги алоқа ҳам ниҳоятда қалин бўлиши, уларнинг ижроия органлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги шу кун талаблари даражасига кўтарилиши лозим.

Советлар ичида партия тузилмаларини вужудга келтиришдан мақсад коммунист депутатларнинг Советлар фаолиятига жамоа бўлиб таъсир ўтказишига эришишдан иборатдир, деди Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг раиси, парламент комитетлари ва комиссиялари бошланғич партия ташкилотининг котиби **Ғ. Заҳриддинов.** Бу шунинг учун ҳам зарурки, коммунист депутатларнинг ҳокимият органларида фаол ишлашга тайёр эмасликлари дастлабки даврда яққол сезилди. Боз устига комитетларда ишлаш учун кадрларни танлашдаги шошқалоқлик ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Нотиқнинг фикрича, партия аъзолари бўлган депутатларнинг қонунчилик фаолиятидаги иштироки фақат қонун лойиҳаларини тақдим этиш ва уларга тузатишлар киритиш билан чекланмаслиги лозим. Ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг барча босқичларида ва қабул қилинган ҳужжатларни рўёбга чиқаришни назорат этишда улар ҳам манфаатдорлик билан ишлашлари лозим. Партия комитетлари билан алоқани яхшилаш даркор, чунки улар Советлардаги партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамжиҳатликни йўлга қўйишлари мумкин ва шарт. Бу соҳадаги иш шакллари хилма-хил бўлиши мумкин. Партия гуруҳлари билан учрашувлар, уларнинг назарий савиясини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлик қилиш, амалий ўқувни йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Олий Кенгашда давлат қурилиши ва ҳуқуқи муаммоларини амалий жиҳатдан ишлаб чиқишга, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш зарур.

Кўпгина коммунист депутатлардаги асосий камчилик шундан иборатки, улар жойларда олиб бораётган ишларида корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлардан мадад олмаяптилар, деди Жиззах станцияси локомотив депосининг тепловоз машинисти **К. Муродов.** Коммунист депутатларнинг ҳуқуқий ўқувини йўлга қўйиш, уларни минтақадаги ишлар аҳволидан тўла хабардор қилиш масалаларини ҳал этишдаги ёндашувини белгилаш ниҳоятда муҳимдир. Партия ташкилотлари томонидан номзодликка тавсия этилган ҳамда сайловолди маъракасида қўллаб-қувватланган депутатнинг Ўзбекистон Компартияси сиёсатига зид иш олиб боришини мутлақо тушуниб бўлмайди. Маълумки, айрим депутатлар жўрттага вазиятни мураккаблаштирмоқдалар. Ҳеч кимга кераги йўқ баҳс-мунозарани бошламоқдалар, танқидбозлик йўли билан ўзларича шуҳрат қозонмоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатларга принципиал баҳо беришга, Устав талабларига қатъий риоя этилишига, Ҳаракат дастурини сўзсиз амалга оширишга депутатларнинг партия гуруҳлари чинакамига иш олиб боргандагина эришиш мумкин. Партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар ҳам, назорат комиссиялари ҳам ўзларининг бутун куч-ғайратларини ана шунга сафарбар этишлари лозим.

Қабул қилинган жумҳурият қонунларини ҳаётга тадбиқ этиш амалиётига алоҳида эътибор бериш зарур, — деди Бухоро вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг раиси **О. Холматов.** Шу масала юзасидан алоҳида қарор қабул қилиш, қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда ўрганишнинг аниқ-равшан тизимини ишлаб чиқиш, жойларда олдиндан ҳеч бўлмаганда уларнинг тематикаси ва рўйхатига эга бўлиш даркор.

КОММУНИСТ депутатлар ҳисоботларини партия йиғилишларида, бюро мажлисларида, пленумларда эшитиш практикасини қониқарсиз деб баҳолади халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия комитети раисининг ўринбосари **А. Лихин** ўз нутқида. Одатда, коммунист бунда биринчи навбатда ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан маъруза қилади. Ижтимоий-сиёсий турмуш масалаларига тегиб ўтади. Унинг депутатлик фаолияти эса кўпинча диққат марказидан четда қолади. Аксинча, ундан депутатлик фаолияти ҳақида сўраш керак эди. Негаки, халқ депутатлигига номзодлар сайловолди маъракаси пайтида бир-биридан чиройли дастурни олға сурган эдилар. Улар ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборганликлари маълум бўлиб қолиб, ёрдам сўраб ижроия комитетларига, партия комитетларига мурожаат қилмоқдалар. Минг афсуски, уларда ҳеч қандай ортиқча нарса йўқ. Ҳаммаси олдиндан режалаштирилган. Шу боис танг аҳволдан чиқиб олишнинг, имкониятлар қидириб топишнинг ўзи бўлмайди.

Нотиқнинг фикрича, назорат комиссиялари коммунист депутатларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини кўриб чиқишга журъатсизлик билан ёндашмоқдалар. Ҳа, улар пленумларда ва раёсатларнинг мажлисларида раҳбарлар ичидан КПСС аъзоларининг ҳисоботларини эшитаяптилар. Бу ижобий натижалар бермоқда. Бироқ ҳокимиятга эга бўлган ва халқ ишончига сазовор бўлган бошқа депутатлар эса ҳозирча четда қолишмоқда. Ахир уларга ҳам халқнинг эътирозлари борку? Масалан, бундай депутатлар округларда камдан-кам бўладилар, сайловчилар билан онда-сонда учрашадилар, уларнинг муаммоларини билмайдилар.

Амалда депутатларнинг партия ташкилотлари ва гуруҳларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятининг ўткир масалалари ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ёшлар ишлари комитетининг раиси **А. Аъзамхўжаев** сўз юритди. Нотиқ таъкидлаб ўтганидек, бундай партия ташкилотлари ва гуруҳларининг аҳамияти катта бўлишига қарамай, Марказий Комитетнинг уларга нисбатан муносабатини ҳозирча тушуниш қийин бўляпти. Бу соҳада кўпгина чалкашликлар, жумладан, ташкилий ўнғайсизликлар мавжуд. Масалан, нима учун ҳудудлараро партиявий депутатлар гуруҳи олдин қуйи ташкилотларда тузилди? Уставга биноан аввал Олий Кенгаш партия ташкилотини вужудга келтириш керак эди-ку? Шундан кейингина ҳудудийми ёки касб белгиларига қарабми унинг бўлинмалари тузилиши лозим эди.

Депутатлар фаоллигини ошириш муаммолари хусусида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерация кенгаши раисининг ўринбосари **О. К. Адаманов** фикр юритди. Халқ депутатларининг сусткашлиги кўп жиҳатдан уларнинг сессия материалларини ниҳоятда кеч олишлари билан боғлиқдир деб таъкидлади у. — Айниқса, оддий депутатлар оғир аҳволда қолишмоқда. Негаки, улар юридик асосларни билмасликлари туфайли малакали фикр-мулоҳазалар ва таклифлар бера олмаяптилар. Нотиқнинг фикрича, барча ҳужжатлар сессия бошланишидан бир ой олдин матбуотда эълон қилиниши лозим. Ана шунда депутатлар жойларда ҳамкасблари ҳамда турли тармоқлар мутахассислари иштирокида бу ҳужжатларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини шакллантиришлари мумкин.

Пленумда сўзга чиққанлар таъкидлашдики, Ўзбекистон Компартиясининг ижроия ва назорат органлари Советлардаги коммунистлар фаолияти таҳлилига таяниб, ушбу масала юзасидан аниқ-равшан нуқтаи назарни ишлаб чиқишлари лозим. Бу коммунист депутатлар фаолиятини янада жонлантириш, бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетларининг уларга нисбатан эътиборини ошириш, Устав нормаларига риоя этиш ҳамда Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини кучайтириш учун зарурдир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

АҲОЛИГА МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ВА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

мақсадларига мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий ресурслар етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятлар бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигидан қатъи назар, аҳолига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш учун хом ашё, материал ва бутлаш буюмларини биринчи галда ва тўла ҳажмда етказиб беришни таъминлайдилар.

3. Иттифоқ—республика валюта комитети, СССР иқтисодиёт ва истиқболни аниқлаш вазирлиги, СССР ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги СССР ташқи иқтисодий фаолият банки билан биргаликда бу йил тушадиган валюта маблағлар, шу жумладан олинган қарзлар чет эллардан дон, дори-дармон, шунингдек аҳолига маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё, материал ва бутлаш буюмлари харид қилишга ҳамда уларнинг етказиб берилиши ҳақини тўлашга устун даражада сарфланишини таъминласинлар. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхона ва ташкилотларга ўз валюта маблағларини мазкур маҳсулотларни харид қилишга сарфлашни кўпайтириш тавсия этилсин.

4. Иттифоқ—республика валюта комитети бир ҳафта муддатда СССР Вазирлар Маҳкамаси билан суверен республикалар ҳукуматлари биргаликдаги ҳаракат дастурида кўзда тутилган ташқи иқтисодий алоқаларни нормалаш ва лицензиялаш тартибини амалда қўлланиш учун шарт-шароитни таъминласин.

Республикаларнинг ҳукуматларига озиқ-овқат, энг зарур ашёвий моллар ишлаб чиқариш учун мамлакатга хом ашё, материал ва бутлаш буюмлари етказиб беришни, шунингдек кўплаб талаб қилинадиган тайёр маҳсулотлар етказиб беришни кўпайтириш мақсадида 1991 йилда мол айирбошлаш операциясидан фойдаланиш тавсия этилсин.

5. СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 1 августгача халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун машина-ускуналарни чет эллардан сотиб олиш учун енгил шароит яратишни ҳамда зеб-зийнат буюмлари ва оммавий равишда истеъмол қилишга мўлжалланмаган бошқа моллар келтирилишини чеклашни жорий қилинишини назарда тутиб, четга мол чиқариш ва четдан мол олиш солиқлари ҳамда божхона солиқлари ставкалари миқдорларига ўзгартишлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун хом ашё, материал, бутлаш буюмлари ҳамда уларни тайёрлаш учун машина-ускуналар етказиб берилишини кўпайтиришни таъминлайдиган корхона ва ташкилотлар 1991 йил 1 июлдан бошлаб СССР Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган тартибда истеъмол учун ишлатиладиган маблағларнинг базавий миқдорини кўпайтиришлари мумкин.

7. СССР Вазирлар Маҳкамаси, республикаларнинг ҳукуматлари республикалараро озиқ-овқат, кўплаб талаб қилинадиган тайёр маҳсулотлар, уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё, материаллар ва бутлаш буюмлари етказиб бериш шартномалари ҳамда давлат эҳтиёжлари учун уларни етказиб бериш мажбуриятлари қандай бажарилаётганини назорат қилишни йўлга қўйиш тартиби тўғрисида, шунингдек тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ёки чала бажарилиши учун томонларнинг ўзаро иқтисодий масъулияти чоралари ҳақида бир ой муддатда келишиб олинган таклифларни тайёрлаб, федерация кенгашининг муҳокамасига тақдим этсинлар.

8. СССР Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек республикаларнинг ҳукуматлари, СССР вазирликлари ва идоралари билан биргаликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган иншоотларнинг ишга туширилишини жадаллаштиришни ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ва чет эллардан харид қилинадиган машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган энг зарур чора-тадбирларни кўрсинлар. Шу мақсадда:

Марказлаштирилган тартибда чет эллардан харид қилинган комплект машина-ускуналар негизида қурилаётган ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ учун керакли ашёвий моллар, уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар тайёрлайдиган, маиший хизмат кўрсатадиган, давлат савдосини амалга оширадиган иншоотларни ишга тушириб, шу тариқа мазкур ишни жадаллаштиришни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг аҳволи кўриб чиқилсин. Мазкур иншоотларни кўзда тутилган тарзда ишга тушириш кафолатлари бўлмаган тақдирда машина-ускуналар кимошди савдосида ва маҳсулот биржаларида сотилиб, уни сотиб олганлардан иншоотни зудлик билан монтаж қилиб, ишга тушириш ҳақида мажбурият олинсин;

Марказлаштирилган маблағ ҳисобидан қурилаётган ҳамда чалалигича тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш ва савдо иншоотлари амалдаги қонунларда белгиланган тартибга мувофиқ кимошди савдосида ва маҳсулот биржаларида совет ҳамда ажнабий ҳуқуқий шахсларга ва фуқароларга сотилиб, улардан мазкур иншоотларни жадал ишга тушириш мажбурияти олинсин;

Озиқ-овқат маҳсулотлари, халққа керакли ашёвий моллар, бинокорлик материаллари ва уларни ишлаб чиқариш учун машина-ускуналар ишлаб чиқариладиган корхоналардаги ишлаб чиқаришни жадал қуриб битказиш, машина-ускуналарни созлаш ва ишга тушириш учун қурилиш, машинасозлик, мудофаа мажмуаларининг ташкилотлари негизида комплекс ихтисослаштирилган тезкор бўлинмалар 1991 йил июлидан ташкил этилсин.

Мазкур қувватлар шартномада кўзда тутилган муддатлардан илдамроқ ишга туширилиши таъминланган тақдирда янги ишга туширилган қувватларда йил охиригача ишлаб чиқарилган маҳсулот минтақада қолдирилади ва қурилиш иштирокчилари билан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўртасидаги аҳдлашувга мувофиқ белгиланган тартибда фойдаланилади.

9. СССР Вазирлар Маҳкамаси, республикаларнинг ҳукуматлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашсинлар, бу соҳада мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш, монополиядан ҳоли қилиш, ишбилармонликни ривожлантириш сиёсатини фаол ўтказсинлар. Бозорнинг кўмакчи соҳаларини жадал шакллантириб, мол ишлаб чиқарувчи тармоқни ривожлантиришга, шу жумладан савдо уйлари, маҳсулот биржалари, ёйма савдо ва кимошди савдосини ривожлантиришга алоҳида эътибор берсинлар.

10. СССР Вазирлар Маҳкамаси республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда енгил саноатни мамлакатимиздаги хом ашё ва материал турлари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириб, IV кварталда тақдим этсин.

11. СССР Вазирлар Маҳкамаси, республикаларнинг ҳукуматлари ушбу Фармонни бажариш учун зарур қарорларни қабул қилсинлар ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсинлар.

12. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 3 август.

ЛЕНИН ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТЛАРИДАН

СССР Вазирлар Маҳка-
аси ҳузуридаги Фан ва
ехника соҳасида Ленин
а СССР Давлат мукофот-
ари комитети билан СССР
азирлар Маҳкамаси ҳузу-
идаги Адабиёт, санъат ва
еъморчилик соҳасида Ле-
ин ва СССР Давлат муко-
отлари комитети 1992
илги СССР Давлат муко-
отларини олишга тақдим
этиладиган асарлар 1991 йилнинг 1 декабригача қабул этилишини хабар қилади.

Асарлар комитетларнинг асарларни кўрсатиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларига мувофиқ тақдим этилиши керак.

Асарларни кўрсатиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этилсин:

Фан ва техника соҳасида Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг манзилгоҳи — 125047, Москва, 3-Тверская-Ямская кўчаси, 46-уй. Телефонлар: 250-38-08, 250-52-86, 250-37-14;

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитети манзилгоҳи — 101414, Москва, ГСП-4, Неглинная кўчаси, 15-уй. Телефонлар: 923-44-67, 923-62-47.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

2 август куни Ўзбекистон ССР Президентининг маданият, таълим ва ижтимоий ривожланиш бўйича маслаҳатчиси Б. А. Назаровнинг республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда 1991 йилда Навоий номли давлат мукофоти берилиши муносабати билан белгиланган тадбирлар ҳамда маданий меросни, миллий урф-одатларни ўрганиш, муҳофаза ва тарғиб қилиш, тарихий ёдгорликларни тиклаш ва сақлаш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилаётганлиги ҳақида сўз борди.

Сўзга чиққанлар жумҳуриятимизда биринчи марта таъсис этилган Навоий номли давлат мукофотига номзодлар ҳақида, жумладан, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитратга оид кўпгина мақолалар эълон қилинганлиги, лекин бу ҳали етарли эмаслигини таъкидладилар. Матбуотда, радио ва телевидениеда ана шу юксак мукофотга номзоди кўрсатилган барча кишилар ҳақида мунтазам равишда материаллар бериб бориш, уларни рус тилида сўзлашувчи аҳолига таништириш, бунда барча жанрлардан фойдаланиш лозим.

Учрашувда бой маданий меросимиз, миллий урф-одатларимиз матбуот саҳифаларида тўла-тўкис ифодаланмаётганлиги, нодир қўлёзмалар устида олиб борилаётган ишлардан муштарийлар кенг хабардор қилинмаётганлиги айтилди. Бу соҳада изоҳли мажмуалар чиқариш, Навоий йили муносабати билан маданий меросимизни ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказиш лозимлиги айтиб ўтилди.

(УзТАГ).

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийинни, олти ойга 12 сўм 84 тийинни ташкил этади.

• Ҳаракатда—баракат •

ИШОНЧЛИ ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТ

Автокорхоналар ишчиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир жамоа аъзосини ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ чораларини ишлаб чиқишди.

Аввало, ҳар бир автокорхонада ишчи-хизматчиларга компенсация тўловлари жорий этилган. Нарх-навонинг ислоҳ қилиниши муносабати билан кейинги пайтда сарф-харажатлар қайтадан кўриб чиқилиб, қайси соҳага қанча маблағ ажратиш автохўжаликлар жамоалари ўз ихтиёрига ҳавола этилди.

Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан кўпгина автохўжаликлар ишчи-хизматчилари илгари фойдаланмаган бир қатор имтиёзларга эга бўлдилар. Масалан, Тошкентдаги 39-автокорхонада кам юк кўтарадиган автомобилларнинг ҳайдовчиларига, автослесарларга, ёрдамчи ишчиларга СССР Вазирлар Кенгаши ва Касаба уюшмалари Бутуниттифоқ Марказий Кенгаши (ВЦСПС)нинг қарорига биноан, корхона ҳисобидан 24 кунлик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили белгиланди.

Бу ерда ишчи-хизматчилар учун яна бир қулайлик яратилди. Узлуксиз иш стажи ва ишлаган йиллари миқдорига қараб ишчиларга пенсияга чиқиш вақтида мукофот тариқасида 1 минг сўмдан 3 минг сўмгача ёрдам пули бериладиган бўлди.

«Тошшаҳарйўловчитранс»га қарашли Тошкентдаги 2-автокомбинатда ҳар бир ишчига бир смена учун бадал тариқасида қўшимча бир сўмгача ҳақ тўланмоқда. Пойтахтдаги юк ташиш автоконцернига қарашли 127-автомобиль корхонасида эса компенсация (бадал) миқдори икки сўмгача кўтарилди. 4- ва 8-автобус саройларида овқатланишга қилинган сарф-харажатлар кунига 1-1,5 сўмни ташкил қиляпти.

39-автокорхонада ўртача олинадиган иш ҳақи мунтазам ўсиб бормоқда. Чунки бу ерда жамоа ўз маблағларининг хўжайини бўлиб қолди. Автохўжаликда фақат сўнгги вақтларда бир неча цехлар ва бинолар қайта қурилди, яна бир ишлаб чиқариш корпусининг қурилиши тугалланди, ҳаракат составининг бир қисми янгиланди, прицепли машиналар сони ортди. Жамоа ижара пудрати усулида ишлаб, даромад ва фойда ҳажмини анчагина оширди, кадрлар қўнимсизлиги эса 2,3 фоиз камайди.

Тармоқнинг деярли барча меҳнат жамоаларида ишчиларнинг меҳнат шароити ва турмушини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Айтайлик, 2531-сонли Самарқанд автоколоннасида аёлларнинг иш куни бир соатга қисқартирилди. Аёллардан иборат кассирлар, кондукторлар, диспетчерлар (марказлашган бошқарув пункти ёки системанинг ходими), яна баъзи ихтисос эгаларига ҳақ тўланадиган таътил уч кун узайтириладиган бўлди. Ишлаб чиқаришнинг зарарли участкаларида ўрнашиб қолган ходимларнинг соатли тариф маоши 8 фоиз оширилди. Бу ерда қарилик пенсиясига чиқиб кетаётган ветеранларга мукофот бериш учун маблағ ажратиляпти. Автоколонна қошида жамоа аъзоси ёки унинг оиласи бахтсиз ҳодиса юз берган вақтда моддий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган раҳм-шафқат фонди барпо этилган.

Адолат юзасидан шуни тан олиш керакки, ҳозирги мушкул даврда кўраётган чораларимиз оилавий маблағдаги кам-кўстларни юз фоиз тўлдира олмайди. Шунга қарамай, қилаётган саъи-ҳаракатларимиз албатта беиз кетмайди. Биргина мисол. Андижон вилоят йўллар бошқармасининг бўлинмаларидаги ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қилинган сарф-харажатлар тўла қопланяпти. Бу ерда касалликлар туфайли ишчи вақтини йўқотиш 18,1 фоиз камайди. Иқтисодий жиҳатдан фойдалилик 40 минг сўмни ташкил этди. Маъмурият маҳаллий Советларга турар-жой қурилишида ўз пайи билан қатнашиш учун 360 минг сўм ўтказди. Ўтган беш йиллик мобайнида жамоа меҳнаткашларининг турар-жойга талаб-эҳтиёжлари 90 фоизга қондирилди.

Ишчи ва хизматчиларни турар жой билан таъминлаш мамлакат миқёсидаги энг ўткир муаммолардан бири ҳисобланади. Аммо, бу масалага доимий эътибор берилган жойда, у ҳал этиляпти. Тошкент автотранспорт экспедиция комбинатида турар жой олиш учун 78 нафар киши навбатда турарди. 1986 — 1990 йиллар мобайнида шулардан 60 нафар киши квартира олиш учун рухсат қоғози (ордер) олди. Корхона 48 квартирали уй-жой қурди, шунингдек маҳаллий Советларнинг турар жой фондидан ҳам уларга уй-жой ажратилди. Жамоанинг 30 аъзосига якка тартибда иморат қуриб олиши учун ер участкаси тақсимланди. Якка тартибда иморат қурувчилар учун корхона фондидан 120 минг сўм ёрдам пули берилди.

Тўғрисини айтганда, мазкур комбинат ижтимоий маданий турмуш учун каттагина маблағ орттириш, ижтимоий масалаларни кенг кўламда ҳал этиш имконига эга. Комбинат ўзининг хусусий санаторий-профилакторийсига эга бўлиб, у ерда комплекс равишда касаллик олдини олишга оид тиббий тадбирлар ўтказилади. Комбинатнинг йирик ёрдамчи хўжалиги ҳам бор. Ушбу хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар меҳнаткашларнинг дастурхонига пешма-пеш етказиб берилади.

Худди шундай қулайликлар туфайли ўтган йили касаллик бўйича ишчи вақтини йўқотиш 16 фоиз қисқарди. Фақат ўтган йилнинг ўзида меҳнат шароитини яхшилашга ва ишлаб чиқаришга оид жароҳатланишнинг олдини олишга корхона 57,1 минг сўм маблағ сарфлади.

Жойлардаги раҳбарият ва касаба уюшмалари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлардан ташқари, бизда меҳнаткашларнинг ижтимой жиҳатдан ҳимояланишига кафолат берувчи йирик акциялар (бирор мақсадда қилинган ҳаракатлар) ҳам расмийлаштирилмоқда. Шулардан бири — шаҳар йўловчи транспорти ҳайдовчиларини пенсия билан таъминлаш шароитини яхшилаш ҳақидаги қарордир. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ушбу тоифадаги ходимларнинг юқори даражадаги узлуксиз меҳнатини, улар ўз бурчларини бажараётган оғир иқлимий шароитни ҳисобга олиб ва «СССРда фуқароларни пенсия билан таъминлаш тўғрисида» чиқарган умумдавлат Қонунига ҳамда ушбу қонунни амалда қўлланиш тартиби ҳақида мамлакат Олий Кенгашининг 1990 йил 15 майда чиқарган 1481—1-сонли қарорига мувофиқ, қуйидагича қарор қабул қилди:

— 1991 йил 1 январдан бошлаб шаҳарда қатнайдиган автобуслар ва электр транспорти ҳайдовчилари; эркаклар — 55 ёшга тўлган ва 25 йиллик иш стажига эга бўлса, шу жумладан шаҳар йўловчи транспортида камида 10 йил ишлаган бўлса; аёллар 50 ёшга тўлган ва 20 йиллик иш стажига эга бўлса, шу жумладан шаҳар йўловчи транспортида камида 10 йил ишлаган бўлса имтиёзли шартлар билан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга: Эндиликда тармоқ касаба уюшмаси енгил такси автомобиллари ҳайдовчиларига ҳам имтиёзли пенсия бериш тўғрисидаги масалани тайёрлаб, юқори органларга кўриб чиқиш учун тавсия қилмоқда.

Гапнинг рости, бугунги кунда тармоққа қарашли кўпгина тоифадаги ходимларнинг меҳнатини баҳолашда тегишли аниқлик йўқ. Унинг адолатли компенсацияси ишлаб чиқилмаган. Бу, одамларнинг ишдан кўнглини совутади, тармоқда кадрлар қўнимсизлигини вужудга келтиради. Шуларни ҳисобга олиб, меҳнатга ҳақ тўлаш системасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти Вазирлиги жумҳурият автотранспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси билан келишган ҳолда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мўлжалланган махсус тавсияномаларни ишлаб чиқди. Ходимларнинг профессионал-квалификацион гуруҳларига мос келадиган меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси тасдиқланди.

Бундан ташқари тармоқ ходимларига бадал тариқасидаги мажбурий тўланадиган қўшимча ҳақ ва устама пул рўйхати тасдиқланди. Шунингдек, Автомобиль транспорти вазирлиги ҳайъати билан Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси президиуми ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими тайёрланди. Ушбу ҳужжатда 1991 йилнинг кейинги даврида меҳнаткашларнинг ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Умуман, автомобиль транспорти касаба уюшмаларининг истиқбол режаси тармоқ меҳнаткашларига ижтимоий жиҳатдан ишончли кафолат яратишдан иборат бўлиб қолмоқда.

А. СОБИРОВ,
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг раиси, иқтисод фанлари номзоди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОТИБИЯТИДА

1991 йил 2—3 август кунлари Москва шаҳрида РСФСР халқ депутатлари съезди «Коммунистлар демократия учун» фракциясининг раҳбарлари тадбир ўтказдилар. Тадбир ташкилотчилари уни Россия коммунистлари демократик партиясининг таъсис конференцияси деб атадилар. Конференция бошланишидаёқ «КПСС таркибида» шундай партия тузилганлиги муҳокама этилмай маълум қилинди. Янги партия РСФСР Коммунистик партиясининг қонуний давомчиси бўлиш ниятида эканлиги кўриниб турибди ва у КПСС мулкининг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи борлигини маълум қилмоқда.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг котибияти қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди.

Биринчидан. Кейинчалик делегатлар деб аталган конференция қатнашчиларининг таркиби КПСС Уставига зид ўлароқ асоссиз равишда ташкил топди: уларни на партия округлари, на бошланғич ташкилотлар, на ҳудудий конференциялар сайлади. Конференция қатнашчилари орасида КПССга аъзо бўлмаганлар ҳам бор эди.

Иккинчидан. Пайдо бўлган партия Россия Компартиясидан ва умуман КПССдан жуда фарқ қиладиган янги номга эга ва у «Партия ичида партия бўлишдек» вазифани бажаришга даъвогарлик қилаётгандек кўринади. Айни вақтда КПСС Устави, меъёрий ҳужжатлар ўхшаш республика партия ташкилотлари мавжудлигини ва бир вақтнинг ўзида икки партияга аъзолик имкониятини истисно қилади.

Учинчидан. КПСС Марказий Комитети партиянинг янги дастури бўйича умумпартиявий мунозара ўтказиш, навбатдан ташқари съезд чақириш тўғрисида қарор қабул қилган, партия бирлигини сақлаб қолиш вазифаси биринчи ўринга қўйилаётган шароитда янги партиянинг тузилиши КПСС сафларини бўлиб юборишга очиқдан-очиқ қаратилган уриниш бўлади.

Юқорида баён этилган фикрлар муносабати билан конференциянинг қарорлари ғайриқонунийдир.

КПСС Марказий Комитетининг котибияти конференция қатнашчиларини, барча коммунистларни партияни янгилашга доир ўз ташаббусларини КПССнинг амалдаги ташкилий тузилмалари доирасида рўёбга чиқаришга чақиради. Партиямизда рўй бераётган демократик жараёнлар бунинг учун катта имконият очади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг котибияти.

• Тилга эътибор — элга эътибор

ИККИ ЙИЛДА ИККИТА БЎЛИМ

Қўшкўпир райони матлубот жамияти бошқарув идорасига киришингиз билан Навоийнинг ҳикматли сўзлари эътиборингизни тортади: «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз». Уни мамнун бўлиб ўқигач, хаёлга бир фикр келади. Бу тасодифий ҳол эмасмикан? Бу ер маориф муассасаси ёки кутубхона эмас, балки савдо идораси бўлса...

Иккинчи қаватга кўтарилдик. Яна шу сўзлар кўзга ташланади. Демак, бу тасодифий ҳол эмас. Улуғ Навоий тилига бўлган ихлоснинг бир кўриниши. Бунга савдо дўконларида бўлганимизда, жамиятда иш юритиш тартиби билан танишганимизда яна амин бўлдик. Уларда ҳам ўзбек тилига эътибор, муносабат сезилиб туради.

— Ҳали камчиликлар кўп, — дейди жамият раиси С. Салоева. — Қани энди маблағ етарли бўлса? Ҳар бир масала кўп ташвиш билан ечиляпти. Бўёқ топганда яхши рассом излайсан. Иккисини ҳал қилганда, дидга мос тахтага муҳтож бўлиб турасан. Бизнинг ниятимиз — дўконларимизга кирган харидорнинг ўзбекча нафис ёзувлардан завқи келса, дили яйраса. Афсуски, ҳали бу даражага етганимизча йўқ. Лекин қўл қовуштириб турганимиз ҳам йўқ. Давлат тили ҳақидаги қонунни бажариш учун режали иш олиб боряпмиз.

— Қандай муаммо, қийинчиликлар бор?

— Биринчи навбатда ўзбекча савдо луғати керак, — дейди раис. — Ҳозир биронта ҳисоб-китоб сўзини қоғозга туширишдан олдин нотўғри ёзиб бўлмайди. Ҳаммаси пул билан боғлиқ. Агар сал хато қилсангиз борми... Текширувчилар русчадан ўзбекчага ўгираётганда андак нуқсонга йўл қўйибсизлар, деб юз хотир қилишмайди. Иккинчидан, «Ўзбекбирлашув»дан тортиб, то кичик дўкончагача бўлган иш тартиби бир хил бўлиши керак деб ўйлайман. Ҳозирча бизга юқори идоралардан келаётган хат, маълумотнома, ҳужжатларнинг кўпчилиги рус тилида. Шу жумладан ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳам. Улар тезроқ давлат тилига ўтказилса, маъқул ва мақбул бўлар эди.

Раиснинг фикрлари тўғри. Бу Хоразм вилоятининг бошқа районларидаги савдо ходимларининг ҳам таклифларига айнан мос келади. Улар бевосита халқ билан ишлашади. Қишлоқ аҳолисининг савияси, талаби бўлса кундан-кунга ўсиб боряпти. Шу жумладан, давлат тилининг қўлланишига ҳам. Шу боис район савдо идораларида бу борада ижобий силжишлар бор.

Бундан улар фаолияти кўнгилни тўлдиради, деган умумий хулоса чиқармаслик керак. Дилни ранжитадиган гаплар ҳам мавжуд. Давлат тилига муносабатда лоқайдликка, дидсизликка ҳам йўл қўйиляпти. Бу ҳол, айниқса, Хонқа райони марказидаги савдо нуқталарида тез-тез учрайди. Шовот районидаги дўконлар пештоқларидаги ўзбекча ёзувларни тартибга солиш дид билан ёндошишни тақозо қилади.

Турган гап, камчилик ва нуқсонларни тузатиш, давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга тўла тадбиқ этишда юқори идоралар яқиндан ёрдам бериши, ўзлари намуна бўлишлари зарур. Афсуски, вилоят матлубот жамияти бошқарувида қўлимизга олган ҳужжатлар, тавсияномаларнинг аксарияти рус тилида эди. Албатта, бунинг учун ҳозирги раҳбарларни айблаб бўлмайди. Узоқ йиллар мобайнида бу ерда ўзбек тилига муносабат шундай аҳволда бўлган. Қонун чиққандан кейин бошқарувнинг икки бўлимидагина ўзбек тилида иш олиб бориляпти. Қолган 18 тасида русча иш юритилади.

«Ўзбекбирлашув»дан келаётган ҳужжат, тавсияномалардан мазкур идорада ҳам аҳвол вилоятдагидан яхши эмаслигини сезиш қийин эмас.

Хоразм вилояти савдо нуқталарида ўзбек тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши борасида ижобий томонлар ҳам, салбий жиҳатлар ҳам бор. Ҳаёт иккинчи жиҳатдан тезроқ қутила боришни тақозо қиляпти. Ана шунда Ҳазрат Навоий сатрларига ҳамоҳанг кунлар келади. Ўз тилини ардоқлаган элнинг эътибори ҳам юксак бўлади. Чунки ҳар бир халқнинг дили тили билан тирик ва табаррукдир.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

●

«ОДАМЛАР ОРАСИДА БЎЛАЙЛИК»

Рўзномамизнинг шу йил 14 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Бўка район партия ташкилотларида сиёсий-тарбиявий ишлар оқсаётгани, қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетаётгани танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан БЎКА РАЙОН ПАРТИЯ ҚЎМИТАСИдан расмий жавоб олинди:

— Район партия қўмитаси мақола ўз вақтида ёзилган ва ундаги фактлар тўғри, деб ҳисоблайди. Кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонлар ҳамда уларни тугатиш партия ташкилотлари ишини жонлантириш, уни аниқ мақсад сари йўналтиришга туртки бериши шубҳасиздир.

Мақолада кўтарилган масалалар район бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғилишида кенг ва атрофлича муҳокама этилди. Область партия қўмитаси мафкура бўлими масъул ходимлари жойларда бўлиб, бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдамни ташкил этиш режаларини кўрдилар.

Шунингдек, мақола район партия қўмитаси бюросида ҳам муҳокама этилиб, меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишларни юксак савияга кўтариш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу тадбирларнинг тўла-тўкис бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилди.

МЕҲНАТ ИЛҒОРЛАРИ

● Наима Диёрова пойтахтимиздаги устки кийим-бош фабрикасида ишлайди. У моҳир тўқувчи, ёшлар устози. Доимо сифатли маҳсулот тайёрлашга интилади.

* * *

● «Узбекхлопкомаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат пешқадамлари жуда кўп. Шуҳрат Отабоев уларнинг бири. Учинчи разрядли слесарь-йиғувчи ҳар соҳада ҳамкасбларига ибрат бўлаётир.

Р. ШАРИПОВ олган суратлар.



ОЗУҚА МЎЛЛИГИ ТУФАЙЛИ

Қамаши районидаги «Марксизм» жамоа хўжалиги чорвадорлари навбатдаги меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Озуқа мўл-кўл тайёрланганлиги, ферма хизматчиларининг жонкуярлиги туфайли соғин сигирлар маҳсулдорлиги ўтган йилдагига қараганда анча ошди. Чорвадорлар 359 тонна сут соғиб олиб, олти ойлик режани муддатидан анча олдин бажардилар. Эришилган ютуқни мустаҳкамлаш учун курашиб, улар учинчи кварталда янада юксакроқ маррани эгаллаш учун қизғин меҳнат қилишяпти. Айниқса Н. Суюнов ва Т. Нурматов каби механик — ҳайдовчилар ем-хашак тайёрлашда ўрнак бўлишмоқда.

С. ОСТОНОВ.
Қамаши райони.

Иқтисод ва ҳаёт

БУХОРОЛИК ФЕРМЕРЛАР

Кейинги даврда турли даражадаги йиғинлар, матбуот чиқишларида Бухоро фермерлари тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Социалистик мулкчиликнинг бу янги шакли вилоят халқ хўжалигига қандай самара бермоқда! Қуйида шу тўғрида фикр юритилади.

Р. Ашуров ишни ташкил қилишнинг бу янги шакли иқтисодий афзалликларини дарров ҳис қилди. Бухоро районида Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувига ариза билан мурожаат этиб, фермер хўжалигини ташкил қилиш учун йигирма минг сўм қарз сўради. Хўжалик раҳбарияти агрономнинг раъйини қайтармади. Хўжалик бошқарувчи ва фермер ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди.

У хўжалик кассасидан катта пулни олиши билан Чимкентга йўл олди. Кўп ўтмай оиладаги бир жуфт сигир қаторига Қозоғистондан харид қилинган ўн беш наслдор қорамол қўшилди. Хонадон кичик бир фермага айланди.

Албатта, жамоа хўжалигидан ажратилган озуқа билан бунча молни тўйдириш қийин. Йигитнинг моли ерда, деб беҳуда айтишмайди. Оила хўжалик ажратган беш гектар майдонда деҳқончилик қила бошлади. Бунинг учун колхоздан трактор сотиб олди.

Ўтган ёзда фермер 175 тонна жавдар, 285 тонна кўк масса йиғиштириб олди. Натижада ўтган йили Раҳмонжон Ашуров колхозга 40 тонна сут, 5 тоннага яқин гўшт топширди. У кечагина Қозоғистондан яна ўн бош қорамол олиб қайтди.

Когон районининг «Коммунизм» колхозидан фермер Саид Сафаров ҳам бухоролик ҳамкасбидан кам маҳсулот бераётгани йўқ. Унинг хонадонида бўлганимизда Қозоғистондан келтирилган наслдор молларни учратдик. Фермерларнинг бундай молларга ихлоси зўрлигининг боиси уларнинг серсутлигидадир.

Ваҳолонки, бу сутнинг ёғлилик даражаси ўзимизнинг иқлимимизга мослаштирилган «Қизилчўл» наслидан анча пастдир. Бундан ташқари фермер хўжаликларида ҳам «Қизилчўл» наслидан тўрт минг килограммгача сут соғиб олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Бироқ, бу соҳада улар ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Яна бир муаммо шуки, фермер хўжаликларига озуқа етиштириш учун экин майдонлари ажратиш кўнгилдагидек эмас. Ғиждувонлик Майсара Калонованинг иш фаолияти билан танишамиз, деб Калинин номли жамоа хўжалигига борганимизда колхозчиларнинг йиллик ҳисобот йиғилиши устидан чиқиб қолдик. Йиғилиш охирида айрим нотиқлар фермер ёки ижарачиларга берилган ерни қайтариб олишни талаб қилишди.

Буни фермер ёки ижарачилар эришаётган натижаларни кўрмаслик билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳамма гап айрим хўжаликларда ер майдонининг аҳоли сонига нисбатан анча камлигидадир. Чунончи, Ғиждувон районининг юқорида номи зикр этилган Калинин номли жамоа хўжалигида ўн уч мингдан зиёд аҳолига деярли минг гектар экин майдони тўғри келмоқда, холос. Вилоятда ўнлаб шундай хўжаликлар бор. Ҳозирча уларда фермерлик ҳаракатини тўхтатиб туришга тўғри келмоқда. Айрим ҳолларда хўжалик фермерларни озуқа билан таъминлашни ўз зиммасига олиб, уларга ер ажратмаяпти.

Майсара Калонова шундай фермерлардан бири. Ўзаро тузилган шартномага кўра у деҳқончилик билан шуғулланмай, хўжалик етказиб бераётган озуқа ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Ўтган йили у ўн соғин сигирдан давлатга 34 тонна сут топширди. Бу райондаги энг юқори кўрсаткичдир. Фермернинг ойлик иш ҳақи эса ўрта ҳисобда 1200 сўмни ташкил қилмоқда.

— Биз молларни турмуш ўртоғим, қайиноғам, овсиним билан бирга парвариш қиламиз, — дейди суҳбатда Ромитан районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги фермери Раҳима Ҳамидова. — Ўтган йили саккиз минг сўм даромад олдик. Агар бизга озуқа етиштириш учун икки гектар ўрнига тўрт гектар ер ажратилганда моллар сонини анча кўпайтиришимиз мумкин...

Ромитан районининг Ибн Сино номли давлат хўжалиги фермер Теша Тошев учун беш гектар ер ажратди. Бунинг самараси дарҳол кўринди. Ўтган йили бу фермер давлатга 80 тонна сут топширди. Совхоз бу йил унга ажратилган экин майдонини икки ҳисса оширишга қарор қилди. Бунга жавобан фермер 150 тонна сут, 20 тонна гўшт етиштириш ниятида меҳнат қилмоқда. Оиланинг ўн аъзоси у билан бирга ишламоқда. Уларнинг бу йил хўжаликда пишлоқ, қаймоқ сингари тақчил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик цех ташкил қилиш ниятлари ҳам бор.

Теша ака фермер хўжаликларини ем билан таъминлаш масаласини қатъий қилиб қўйди. Ҳозирги тартибга кўра, фермерлар шахсий хўжаликлар билан бир қаторда қишлоқ Кенгашлари ижроия комитетлари назорати остида бундай тақчил озуқа билан таъминланмоқда. Қишлоқ Кенгаши эса биринчи навбатда ногиронлар ва кам даромадли оилалар ғамида. Бу ҳам тўғри. Бироқ дастурхонимизга салмоқли барака киритаётганлар фермерлар-ку! Шуни назарда тутиб, фермер хўжаликлари ем ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бевосита шартнома тузиш имконияти берилишини таклиф қилмоқдалар. Бундан ҳам фермер, ҳам ўша корхона ишчилари манфаат кўришади.

Вилоятда фермер хўжаликлари сони ортиб бораётир. Саноат корхонаси уларнинг ҳаммаси билан шартнома туза олмайди. Масалани ҳал қилишнинг ўзгача йўлларини излаш керак.

— Ромитанда беш юздан ортиқ фермер хўжалиги тузилган, — дейди район деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси Ашур Қўзиев. — Район бўйича топширилган сутнинг деярли қирқ фоизи, гўштнинг 30 фоизи мана шу хўжаликларда етиштирилди. Агар уларни омухта ем билан таъминлаш масаласи ҳал қилинса етиштириладиган маҳсулот ҳажмини қисқа муддатда яна бир неча карра ошириш мумкин. Аммо шахсий хўжаликларда бир йилда мол бошига ажратилаётган 165 килограмм кунжара, 160 килограмм аралаш озуқа, 115 килограмм шелуха бунинг учун камлик қилади. Шуни назарда тутиб, биз район хўжаликларида етиштирилган дон маҳсулотларининг бир қисмини фермерларга ажратмоқдамиз. Келгусида фермерлар учун алоҳида фонд ажратилса, айни муддао бўларди. Унинг тақсимотини эса жойлардаги фермерлар уюшмаси орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Мана икки йил бўляптики, бу уюшма фермерлик муаммолари билан амалий равишда шуғулланмоқда. Уюшманинг вилоят штабида бизни айрим рақамлар билан таништиришди. Айни маҳалда вилоятда 2600 дан зиёд фермер хўжалиги бўлиб, улар қарамоғида 15 минг 443 бош қорамол, шу жумладан 7234 бош сигир парвариш қилинмоқда. Фермер хўжаликлари ўтган йили давлатга 812 тонна гўшт, 12 минг 400 тонна сут етказиб бердилар.

Ҳа, Бухорода фермерлик ҳаракатининг яхши тажрибаси тўпланмоқда. Бу тажриба келгусида жумҳуриятимизда чорвачиликни кескин тарзда ривожлантириш учун пойдевор бўлиши мумкин.

Аммо, бу тажрибадан тегишли сабоқлар ҳам чиқариш зарур. Фермер хўжаликларининг экин майдонларини кенгайтирмай, омухта ем таъминотини яхши йўлга қўймай, уларга қурилиш материалларини, минерал ўғитни эҳтиёжга яраша етказиб бермай, ветеринария хизматини пухта ташкил қилмай туриб, кутилган самараларга эришиш амри-маҳол.

Энг муҳими, фермерчиликда миқдор кўрсаткичи кетидан қувмайлик. Токи, энг тадбиркор деҳқон ва чорвадор фермерлар сафига қўшилсин, янги ҳаракат амалий натижа берсин. Элимиз дастурхони янада маъмур бўлсин.

Ғ. ШОМУРОДОВ.
Н. НАИМОВ.



● *Бизнинг мусоҳаба*

«ҚОДИРИЙ — ДАРДИМ МЕНИНГ»



● Яқинда Ўзбекистон Билимлар уйида рассом Алишер Мирзаевнинг Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган расмлар кўргазмаси очилди.

— Алишер, агар эсингизда бўлса, бундан саккиз йилча муқаддам Абдулла Қодирий асарларига суратлар туркуми ишлаш ва уни альбом сифатида нашр этиш ниятингиз борлигини айтган эдингиз. Кўргазмангиздан олинган илк таассуротларга қараганда, сизнинг қаламтасвирда вужудга келган ташаббусларингиз бўлғуси рангтасвир асарларингиз учун дебоча бўлиб кўринди. Бу альбом яратиш ниятингиздан қайтдингиз, деган маънони билдирадими!

— Дарвоқе, бундан 20 йилча муқаддам «Ўзбек мумтоз адиблари» туркумидаги альбомнинг биринчи— Ҳамзага бағишланган намунаси нашрдан чиқарилганди. Унга сўзбоши ёзган марҳум алломамиз Ҳамид Сулаймон альбомнинг бундан кейинги нашрлари Навоий, Бобур, Қодирий, Шайхзода, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби забардаст адибларга бағишланишини баён қилган эдилар. Афсуски, мазкур альбом ҳозирча биринчи ва сўнггиси бўлиб турибди. Ўша кезларда тиғи-паррон қилинган адолат рамзи бўлмиш Абдулла Қодирийнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, асарларига бағишланган альбом яратишни дилимга тугиб қўйгандим. Аммо Ҳ. Қодирий билан бирга ижодий ниятларимизни ЎзФА Қўлёзмалар илмгоҳи қўллаб-қувватламагач, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига мурожаат қилдим. Нашриётдагилар, умуман, фикримни табриклагани ҳолда, альбом ўқув-методик руҳда бўлсин, дейишди. Бироқ ҳаёт Қодирий ижодига эркин ёндошишимни тақозо этди. Бинобарин, аввалги режамдан воз кечдим.

— Сиз Абдулла Қодирий ижодининг ҳамма қирраларини қамраб олдим, дея оласизми!

— Қодирий ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиб чиққач, мен унинг қомусий сиймо эканлигига қаноат ҳосил этдим. Ҳозирги барча уринишларим адибнинг ҳаётидаги муҳим нуқталар ва «Ўтган кунлар» романи доирасида давом этмоқда. Ёзувчининг бошқа асарларига ҳам навбат келади, деган умиддаман.

— Қодирийни ўрганиш жараёнида ўзингиз учун нималарни кашф этдингиз!

— Аввало шуки, адибнинг оила аъзолари, унинг фарзанди Ҳабибулло Қодирий (марҳум), кенжа ўғли Масъуд Абдуллаев, невараси Шеркон Қодирий билан танишдим. Хусусан, Ҳабибулло оға иккимиз ўртамизда яқин робита вужудга келди. Мулоқотларимиз гоҳ Тошкентда, гоҳ Дўрмонда давом этди. Оға оғир бетоб бўлишларига қарамасдан, ижодий режаларимнинг амалга ошишида яқиндан ёрдам бердилар. У киши билан биргаликда Қодирийлар ҳовли-жойи тарихи чизилди, иморат, шийпон, дарвоза, деразалар, ҳовуз, узумзор, дарахтзор, полиз, бўғотгача қайта тикланди. Бу ҳақда махсус далолатнома ҳам тузганмиз. Бироқ энг катта кашфиёт шундан иборат бўлдики, Қодирий ўзбек санъати учун ҳам мезон бўларли даражада улкан сиймо экан (лоақал қул Ҳасаналининг уйи, Кумушбибининг либоси тасвири «Ой, куни яқин эди», «Тақдир эшиги» бобларидаги ўта латиф тасвирларни эсга олинг). Демоқчиманки, рассомларимиз тасвир бобида Қодирий даражасида тафаккур юритсалар шоён таҳсинга сазовор иш бўлур эди. Яна бир кашфиёт шундан иборат бўлдики, Қодирий бизнинг боболаримизга яқин бўлган эканлар.

— Қайси маънода!

— Ҳозирги Термиз кўчасидаги жарликнинг бу ёғида Қодирийларнинг, у ёғида бобомнинг ҳовлиси бўлган. Бувимнинг айтишларига қараганда, бобом Мирзаотанинг ҳовлисида тўрт ака-ука истиқомат қилганлар. Оға-инилар ҳам, тўрт овсин ҳам аҳил яшашган. Бола тарбияси, овқат пишириш, ҳатто кир ювиш ҳар гал оилада катта байрамдек ўтган. Бобомлар оиласи билан адибнинг отаси Қодир бобо оиласи ўртасида бориш-келиш бўлган экан.

— Нега сиз тасвирда айнан қаламтасвир услубини танладингиз!

— Қодирий ижодига мурожаат қиларканман, севимли машғулотим рангтасвирни бир чеккага йиғиштириб қўйишга тўғри келди. Сирасини гапирганда, қаламтасвир тасвирий санъатнинг онаси бўлади. Унинг имкониятлари беҳисоб. Бу тасвир барча улуғ амаллар каби оддий ва буюкдир. Фақат асарларимга «жон киритиш» учун муҳитга бир оз иссиқ (сариқ) ранг бердим, холос.

— Қаҳрамонларингиз тасвири ҳамма ерда ҳам бир хил эмас. Дейлик, Кумушбиби, Отабек, Зайнаб қиёфасини ҳамма ерда ҳам айнан бир хил, деб бўлмайди.

— Дарҳақиқат, шундай. Мен тасвирлаган Отабек кўпроқ Жулқунбойнинг ўзига ўхшайди. Кумуш сиймосида ҳам фарқли томонлар кўзга ташланади. Нега бундай қилдим? Масаланинг моҳиятига кенгроқ қараганимдан, қуруқ кўргазмали усулдан қочганимдан шундай қилдим. Менимча, бу бадиий ҳақиқатга зид келмайди. Эҳтимол, келажакда асар қаҳрамонлари маълум услубга тушар ҳам. Ахир, Қодирий асарлари устидаги тажрибаларим ҳали давом этади-да.

— Ижод жараёнида қандай қийинчиликлар юз берди!

— Асосий қийинчилик либослар, тақинчоқлар тасвири билан боғлиқ бўлди. Бу борада узоқ изланишлар олиб боришга тўғри келди. Бултур Самарқандда, бу йил Тошкентда очилган «Ўзбек миллий матолари ва либослари» кўргазмаси менда катта ҳиссиёт уйғотди ва қўл келди. Кумушбиби, Отабек, Зайнаб, Қодир бобо, Ҳасанали, Ёсуман либосларида бадиий ҳақиқатга эришдим, деб ўйлайман. Бу ҳиссиёт яқинда Ҳиндистонга қилган сафарим чоғида тағин такрорланди. Ҳиндлар катта дид соҳиби экан. Сарийлар, панжобилар (кўйлак, лозима, шарфдан иборат либос) менда катта таассурот қолдирди. Либослар ранг-баранглиги ўзимизда ҳам бўлган. Афсуски, кейинги йилларда буларнинг ҳаммасидан деярли маҳрум бўлибмиз.

— Кўргазмангиздан жой олган «Сиз қочоқсиз!», «Кумушбиби», «Мутолаа», «Кумушбиби ва Отабек», «Унутмайсизми!», «Фузулийни ўқиб...», «Адибнинг падари бузруквори» каби томошабинга лирик кайфият бағишловчи асарлар билан бир қаторда «Уч бахтсиз. Қабрдаги Кумушбиби, бадбахт Отабек, мажнуна Зайнаб», «Қора кунлар шарпаси», «Иймоним тазйиқи остида сўзлайман», «Ҳаётим лолазоридан аюрдинг...», «Қонли дарё», «Қатағон», «Қатл этилган китоблар»даги (бу асарга «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»нинг рассомларидан Уста Мўмин, В. Тўла безак ишлаган 30-йиллар нашрлари асос қилиб олинган) тасвирлар ўта шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Кўргазмага қўйилган мазкур асарлар нашр қилинадими!

— Нашр қилинади, деган умиддаман.

— Алишер, бошлаган ишларингиз тезроқ амалга ошсин. Қодирий руҳи сизни қўлласин.

— Раҳмат.

Шерали СОКИН
суҳбатлашди.



Суратларда мусаввир Алишер Мирзаевнинг ижодидан намуналар.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

САККИЗ УЧРАШУВДА БЕШ ДУРАНГ

Биринчи лига вакиллари 23-тур ўйинларини ўтказишди. Қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ростьселмаш» — «Қайрат» — 0:0, «Кубань» — «Ротор» — 0:0, «Динамо» (Ставрополь) — «Уральмаш» 2:0, «Котайк» — «Геолог» — 0:0, «Зимбрул» — «Динамо» (Сухуми) — 2:0, «Буковина» — «Нефтчи» 3:2, «Факел» — «Шинник» — 1:1, «Текстильшчик» — «Локомотив» — 0:0.

АРМИЯЧИЛАР ОЛДИНДА

Олий лига вакиллари бугун мусобақани давом эттиришади. Пахтакорчилар эртага ўз майдонларида Москва динамочиларини қабул қилишади. 22-турнинг ўйинлари натижалари билан танишинг.

«Торпедо» — «Металлист» — 2:0, «Динамо» (Минск) — «Локомотив» — 1:0, «Арарат» — «Динамо» (Москва) — 1:1. (Араратчилар Москва динамочилари билан 23-тур учун учрашишди).

Турнир жадвали қуйидагича:

	У	Ю	Д	М	Т	О
ЦСКА	21	12	6	3	43—21	30
«Спартак» (Москва)	21	12	5	4	35—21	29
«Торпедо»	22	9	9	4	28—14	27
«Динамо» (Киев)	21	8	8	5	29—24	24
«Динамо» (Минск)	22	8	8	6	23—19	24
«Шахтер»	20	6	12	2	26—21	24
«Динамо» (Москва)	22	8	5	9	27—26	21
«Днепр»	21	6	9	6	18—20	21
«Черноморец»	20	4	13	3	24—18	21
«Помир»	21	4	11	6	17—22	19
«Арарат»	20	7	4	9	17—21	18
«Пахтакор»	21	5	6	10	25—33	16
«Металлург»	21	5	6	10	13—24	16
«Металлист»	21	4	8	9	18—28	16
«Локомотив»	21	5	5	11	16—34	15
«Спартак» (Владикавказ).	21	4	7	10	23—33	15

ТЕННИС:

НИМЧОРАК БОСҚИЧДА

АҚШда халқаро мусобақа қизғин паллага кирди. Ҳар бир ғалаба спортчини совринг сари етаклайди.

Спортчимиз Андрей Черкасов 1/8 босқичда канадалик Чангани енгди (ҳисоб 6:1 ва 6:1).

ВЕЛОСПОРТ:

ЖАҲОН РЕКОРДИ

Ленинградда СССР биринчилиги учун мусобақада ленинградлик Галина Енюхина жаҳон рекордини ўрнатди. У 200 метрга пойгада 11, 162 секунд натижа кўрсатди.

ШАХМАТ:

ШИРОВ ҒОЛИБ

Швейцариянинг Бьенн шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақа якунланди. Совет шахматчилари 14-турда А. Широв ва Е. Бареев ўзаро куч синашишди. Қизғин юришлардан сўнг дуранг натижа қайд этилди.

Тўққиз ярим очко олган А. Широв мусобақа ғолиби бўлди. Е. Бареев эса саккиз ярим очко билан иккинчи ўринни эгаллади.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказидан хабар беришларига кўра, шу ҳафтанинг бошида мамлакатимизнинг Европа қисмидан Ўрта Осиё ҳудудига салқин ҳаво оқими кириб келиши натижасида жазирамали кунлар юмшайди. Кечаси 15—20, кундузи 30—35 даража, жанубда ва Бухоро областида кечаси 18—23, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади. Тоғли масканларда қисқа муддатли ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. Бундай қулай об-ҳаво ҳафтанинг кўпгина кунларини қамраб олади. Ҳафта охирига бориб, ҳарорат яна 3—6 даража кўтарилади. Ҳафталик ўртача ҳарорат меъёрига яқиндир.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига қараганда, бундай об-ҳаво бемор кишиларни унчалик безовта қилмайди. Махсус даволаш чораларини қўллашга ҳожат йўқ. Бемор кишилар ўтган ҳафталардагидек чиниқишни давом эттиришлари, вақти-вақти билан соя-салқин жойларда бўлишлари ўринлидир.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» (нашр номи) — 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига **ОБУНА**

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи — 64583 (нашр кўрсаткичи)

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сони
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТДАГИ ИЖАРАГА ОЛИНГАН «ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

— йигирувчиларни, тўқувчиларни, раклистларни, пардозловчиларни;

— калавалаш, ростлаш, ўраш машиналарининг операторларини;

— шунингдек, токарларни, фрезерчиларни, КИПиА слесарларини ва ана шу обрўли касбларни эгалламоқчи бўлганларнинг ҳаммасини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3-6 ой. Ишбай ҳақ тўланади. Маош ойига 250 сўмдан 1000 сўмгачани ташкил этади.

Бирлашма тўқувчиларнинг болалар боғча ва яслиларига эҳтиёжини тўла қондиради. Тиббиёт-санитария қисми, поликлиника, профилакторий, Тошкент денгизи яқинида дам олиш зонаси, тоғда жойлашган пионерлар лагери, «Тўқимачи» спорт комплекси, Маданият саройи, ўз ёрдамчи хўжалиги мавжуд.

Ошхоналар, сабзавот ва озиқ-овқат дўконлари, саунаси бор маиший комплекслар, пардоз-андоз хоналари, сартарошхоналар ишчилар хизматига тайёр.

Якка тартибда уй-жой қуриш, дала ҳовли учун ер майдони олай десангиз қулай имкониятлар бор.

Агар сиз ҳалол меҳнатингиз эвазига яхшигина маош олиш, юқорида айтиб ўтилган хизматлардан фойдаланиш ва қулай ижтимоий имкониятларга эга бўлиш ниятида бўлсангиз корхонанинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинг.

Кадрлар бўлими Қушбеги кўчасидаги 6-уйда жойлашган. Марказнинг район бўлимларига мурожаат қилсангиз ҳам бўлади.

Транспорт: 33, 34, 45, 69, 79, 182-автобусларнинг, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати. Телефонлар: 53-20-16, 53-97-09.

ТОШКЕНТДАГИ ИЖАРАГА ОЛИНГАН «ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАШМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Чиноз универсал биржаси хузуридаги
ВОСИТАЧИЛИК ИДОРАСИ

тадбиркор ишбилармон кишиларни шартнома бўйича ҳақ тўлаш билан эркин воситачилар сифатида

ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Воситачилик идораси битим тузилгандан кейин воситачига юксак мукофот тўланишини кафолатлайди.

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР, ШОШИЛИНЧ, ВОСИТАЧИЛИК ИДОРАСИ СИЗЛАРГА МУНТАЗИР.

Мулоқот телефони 77-67-34.

Воситачилик идораси.
«СОЮЗРЕКЛАМА»
Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ БУЮМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ РЕСПУБЛИКА НОГИРОНЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА «ПРОТЕЗИСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

буюртмаларни қабул қилиш ва бериш бўйича тиббий бўлимнинг 1991 йил иш тартибини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Иш вақти — соат 8 дан 16.00 гача.

Дам олиш кунлари — шанба ва якшанба.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БАНКИ
ВА
ВАЛЮТА БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИШ ҚЎМИТАСИ
ШУНИ ХАБАР ҚИЛАДИКИ
1991 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

ВАЛЮТА БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИ БЎЛИБ ЎТАДИ:

Сизларга валюта бўйича ким ошди савдосида қатнашишни таклиф қиламиз.

Валюта бўйича ким ошди савдосида Сизнинг корхонангиз валюта сотиб олиш ва ўзининг валюта маблағларининг бир қисмини сўмларга келишилган нархда сотиши мумкин.

Валюта ким ошди савдосида қатнашишни истаган корхона, муассаса ва ташкилотлар буюртма хат билан аризаларини икки нусхада ушбу манзилгоҳга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 29-уй. Индекс: 700015, Ўзбекистон жумҳурият ташқи иқтисодий фаолият банки, Ким ошди савдоси қўмитаси деб ҳошиявий белги қўйилсин. Аризалар намунасини шу ердан олиш мумкин.

Валюта бўйича ким ошди савдосида қатнашиш учун 1991 йил 20 августгача келиб тушган аризалар ҳақли деб топилади.

Чет эл валютаси сотиб олувчилар ариза билан бир вақтда валютадан фойдаланиш мақсадини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини топширишлари шарт.

Валюта сотиб олиш учун топширилган аризалар фақат корхона тўлов қобилиятини тасдиқловчи банк кафолати бўлган тақдирдагина ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият банки ким ошди савдосида воситачилик учун сотилган маблағнинг 1 проценти миқдорида комиссия ҳақи олади.

Валюта бўйича ким ошди савдоси қўмитасига ўз вақтида келиб тушмаган буюртма хатлар учун Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият банки жавобгар эмас.

Маълумотлар учун телефонлар: 54-48-69, 54-88-52.

ВАЛЮТА БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИШ ҚЎМИТАСИ.

ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ТАРМОҚЛАРАРО РАҲБАР ХОДИМЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИЛМГОҲИ
1991—1992 ўқув йилига
қуйидаги ихтисослар бўйича

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

материалшунослик, металлар технологияси, машинасозликда янги техника ва технология, машина деталларини қайта тиклаш ва мустаҳкамлашнинг замонавий усуллари, кукунли металлургия, ўта пластиклик ҳолатидаги материалларга ишлов бериш, ҳисоблаш ва микропроцессорли техника, автоматлаштирилган лойиҳалаштириш системалари, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш, ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш ва бериш, иқтисод, хўжалик юритишнинг янги усуллари, автотаъмирлаш (шиналарни таъмирлаш) ишлаб чиқаришнинг ва бошқаришнинг энг янги технологияси, насос-кучланиш ускуналаридан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш, сув учун ўқли ва марказдан кочирма насослардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

Ўқиш давомийлиги ўқув дастурига боғлиқ (1 ойдан 4 ойгача).

Машғулотлар: 1991 йил 2 сентябрь, 1 октябрь, 1 ноябрь, 2 декабрдан;

1992 йил 3 январь, 3 февраль, 3 март, 2 апрель, 5 май, 2 июндан бошланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Талабномаларни ва ўқитиш учун шартномаларни расмийлаштириш масалалари бўйича 46-54-29, 46-18-05, 46-54-90 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 91-уй.

Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат ширкат қўмитаси ҳайъати, партия комитети, касаба уюшма ташкилоти ва такрорий хом-ашёларни тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва фойдаланиш жумҳурият бирлашмаси жамоаси «Узвторресурси» жумҳурият бирлашмасининг бошлиғи Д. Т. Абдуллаевга онаси

Ҳакима АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи ректорати, фирқа қўмитаси, касаба уюшмаси ва «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасининг жамоаси кафедра мудири Х. С. Кудратиллаевга онаси

Шаҳри ҚУДРАТИЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КАШШОФЛАР ЁЗГИ ТАЪТИЛИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

СЎЛИМ МАСКАН ОҒУШИДА

Ленин номли кашшофлар оромгоҳи Қашқадарё дарёсининг Косон ва Ульянов районлари туташ соҳилида жойлашган. Бу ором масканини «Ленинград» давлат хўжалиги ўз оталиғига олган. Мавсумда бир йўла 150 нафар, уч навбатда эса 450 нафар кашшофлар ўзларининг ёзги таътилларини мароқли ўтказиб қайтади.

— Дам олишни кўнгилли ташкил этиш, болаларнинг фойдали машғулотлар билан шуғулланиши учун пухта тараддуд кўрдик. Айниқса, оромгоҳнинг бош сардори — вожатийси Жалил Худойқулов дам олувчилар билан ҳамиша бирга, — дейди оромгоҳ директори Саид Ҳолмуродов.

Ҳозирги кунда Косон районининг Амин Умарий, Лохутий, Навоий, Нодира, Абдулла Қодирий, Ломоносов, Сергей Лазо, Калинин, Ҳамид Олимжон номли ва бошқа мактабларнинг ўқувчилари мароқли дам олмоқдалар. Биринчи, иккинчи гуруҳ кашшофлар эса ҳордиқ чиқариб, жонажон оилалари қучоғига қайтдилар.

Дам олувчилар ўртасида мунтазам ўтказиб борилаётган спорт мусобақалари, қувноқлар ва зукколар беллашувлари, китобхонлик, шеърхонлик кечалари, табиат қўйнига саёҳат ва бошқа дам олиш турлари жуда маъқул келди.

— Оромгоҳимиз табиати жуда хушманзара, — суҳбатни давом эттиради оромгоҳ директори Саид Холмуродов. — Лекин келгусида ўринлар сонини янада кенгайтириш, қўшимча бинолар қуришга умид қиляпмиз. Чунки, оромгоҳимизда дам олишни истовчи кашшофлар сони тобора ортиб боряпти. Озиқ-овқат сақловчи совутгичлар, янги хўл мевалар билан кашшофларни янада кўпроқ таъминлашни режалаштириб қўйганмиз. Бу муаммоларни ҳал этишда вилоят агросаноат бирлашмаси раҳбарларидан ёрдам кутамиз. Чунки кашшофлар ёзи соз ўтмоғи даркор.

Н. ТОҒАЕВ,
Ш. ТОҒАЕВА.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-15-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими, — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика— 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.
№ 150.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12